

Хажвий адабиёт анъаналарини муваффакият билан ривожлантириб келаётган истеъдодли адиблардан бири Анвар Обиджон шоир, носир ва драматург сифатида ўнлаб тўпламлар, китоблар нашр эттириб улгурди.

Анвар Обиджоя Фаргона вилояти Олтиарик тумани Полосон кишлогида 1947 йилнинг 25 январидан оддий хизматчи оиласида таваллуд топган. У одатдагидек, ўз ҳамкасблари каби тўғридан-тўғри ижодга кириб келмади. 1964 йилда ўрта мактабни тугатгач, Самарканд молия техникумида ўқиди. Харбий хизматдан (1966—1969) кайтгач, 1969—1971 йилларда жамоа хўжадигида хисобчи, клуб мудирини, туман рўзномаси, вилоят радиосида турли вазифаларни бажарди. Айти чокда Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факултетини сиртдан тамомлади. 1981 йилдан бошлаб у Тошкентга келиб, «Ёш гвардия» нашриёти, «Ёш куч», «Муштум», ойномаларида фаолият кўрсатди. Шу кунларда у «Чўлпон» нашриётининг бош мухарриридир.

Анвар Обиджон ижоди гарчи 60-йиллардан бошланган. Биринчи «Шкафчам» номли шеъри «Гунча» журналида чоп этилган бўлса ҳам, унинг биринчи китоби 1974 йилда «Она ер» номи билан «Ёш гвардия» нашриётида босилиб чиқади. Шундан буён қарийб 20 йил давомида «Бахромнинг хикоялари» (1981), «Оловжон ва унинг дўстлари», (1983), «Ей, ёруг дунё» (1983), «Кетмагил» (1985), «Безгакшамол» (1985), «Аламазон и его пехота». «Масхарабоз бола» (1980), «Жуда кизик воқеа» (1987), «Олтин юракли автобола» (1988), «Дахшатли Мешполвон» (1990) каби шеърий ва насрий китоблари чоп этилди. Улардан ташқари, адибнинг «Кўнгирокли ёлгончи», «Пахлавоннинг ўғирланиши» каби пьесалари сахна юзини кўрди. Мазкур асарларнинг деярли кўпчилигида одамлардаги, ҳаётдаги нопок томонлар, иллатлар, нуқсонлар гоҳ аччиқ, гоҳ истехзоли, гоҳ майин кулги воситасида фош этиб берилади. Анвар Обиджон ижоди авжи камолат босқичида. У ўз устозлари Абдулла Каххор, Саид Ахмад, Неъмат Аминов каби истеъдодлар сафини тўлдирди, деб ишонса бўлади.